

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ИСМАИЛОВ БОБУРБЕК МАХМУДЖАНОВИЧ**

**АЗОФЕНОЛ ВА АЗОНАФТОЛЛАРНИНГ МОНО-, ДИПРОПАРГИЛ  
ЭФИРЛАРИНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.14 - Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2022**

**Фалсафа доктори(PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

<b>Исмаилов Бобурбек Махмуджанович</b> Азофенол ва азофтаолларнинг моно-, дипропаргил эфирларини олиш технологияси .....	3
<b>Исмаилов Бобурбек Махмуджанович</b> Технология получения моно-, дипропаргильных эфиров азопенола и азофтаола .....	21
<b>Boburbek Ismailov</b> Technology of obtaining mono-, dipropargyl ethers of azophenol and azonaphthol.....	39
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> <b>Список опубликованных работ</b> <b>List of published works .....</b>	42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ИСМАИЛОВ БОБУРБЕК МАХМУДЖАНОВИЧ**

**АЗОФЕНОЛ ВА АЗОНАФТОЛЛАРНИНГ МОНО-, ДИПРОПАРГИЛ  
ЭФИРЛАРИНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.14 - Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2022**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/T1709 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (узбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (tkti.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Махсумов Абдухамид Гофурович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Тешабаева Элмира Убайдуллаевна**  
техника фанлари доктори, профессор

**Абдушукуров Анвар Кабирович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Етақчи ташкилот:**

**Тошкент давлат техника университети**

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.04.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_соат \_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871)244-79-17, e-mail: tkti\_info@edu.uz.)

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871)244-79-20).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилган.  
(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_даги № \_\_ рақамли реестр баённомаси).

**С.М.Туробжонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Х.И. Кадиров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

**Г. Рахмонбердиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

## **КИРИШ ( фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда ацетилен ҳосилалари ва азогуруҳ сақловчи ароматик бирикмалар нефт ва газ, кимё, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва фармацевтикада турли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Шу билан бирга, азофенол ва азофтаол молекулаларини алкиллаш, ариллаш ва ациллаш билан турли иқлим шароитларида физик-механик хоссалари ўзгармайдиган, ультрабинафша нур таъсирига чидамли, ёрқин ранглардаги полимер материаллар, бўёқлар ва коррозия ингибиторлари ишлаб чиқариш технологиясини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда пропаргил спирти ва унинг эфирлари, азофенол, азофтаол ҳосилалари асосида янги авлод бирикмаларини ишлаб чиқаришнинг энергиятежамкор технологияларини қўллашга қаратилган чуқур тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, ароматик ҳалқа углероди билан бевосита боғланган гидроксил гуруҳининг кимёвий табиатини таққослаш, азофенол ва азофтаол халқаларига реакцион фаол функционал гуруҳларни киритиш билан полимер материаллари учун ёрқин ранг берувчи бўёқ моддалар синтез қилиш, ўсимликларни ўстирувчи воситаларнинг зарарсиз, тез парчаланувчи таркибларини яратиш, технологик жараён қурилмаларини коррозиядан ҳимояловчи ингибиторлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда охириги йилларда амалга оширилаётган кенг чора-тадбирлар натижасида кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш, хомашёларнинг янги захираларини яратиш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларини жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «иқтисодий инновацияларни кенг жорий қилиш, саноат корхоналари ва илм-фан муассасаларининг кооперация алоқаларини ривожлантириш»<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада азофенол ва азофтаолларни пропаргиллаш реакциялари орқали олинган моно- ва дипропаргил эфирлар асосида, мўтадил иқлим шароитларига бардошли, қуёш нури таъсирига чидамли, ёрқин ранглардаги бўёқлар, металлларни коррозиядан самарали ингибирловчи препаратлар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 6 апрелдаги ПФ-4891-сон

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида» Фармони

«Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш тўғрисида»ги фармон ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Азофенол ва азофтаолларни алкиллаш, ациллаш, ариллаш жараёнларини механизмини тадқиқ қилиш ва реакцион фаол ҳосилаларини олишнинг энергия ва ресурстежамкор технологияларини ишлаб чиқиш бўйича P. Moller, H. Wallin, K.M. Dipak, D. Mitra, M.S. Germana, B.R. Ramesh, Y. Einaga, O. Sato, T. Zheng, S. Wang, R. Ardeleanu, N. Hurduc, T. Batool, F.H. Nasim, G.C. Brandao, A. Braga de Oliveira, E. Catanzaro, G.R. Ferreira, N. Bouroumane, M.A. Kassem, G. Giuseppe, A.S. Soldatenko, I.V. Sterkhova, N.F. Lazareva, J. Wang, J.R. Kirby, R.M. Milburn, J.H. Saylor, М.Ф. Шостаковский, А.С. Атавин, А.М. Сладков, А.Е. Фаворский, Б.А. Трофимов, А.Г. Махсумов, И.Р. Асқаров, Н. Мадихонов, И.А. Абдугафуров, С.М. Туробжонов, А. Икрамов, Б.Ф. Муҳиддинов, С.Э. Нурмонов, О.Э. Зиядуллаев, Д.Х. Мирҳамитова ва бошқалар илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган.

Улар томонидан хусусиятлари аввалдан белгиланган ацетилен бирикмалари синтез қилишнинг илмий асослари яратилган, азогуруҳ сақловчи ароматик бирикмаларни винил- ва пропаргил ҳосилалари, оддий ва мураккаб эфирлари синтез қилинган, олинган моддаларнинг таркиб-тузилиши, хоссалари тадқиқ қилинган, муҳим қўлланилиш соҳалари аниқланган ва ишлаб чиқариш технологиялари жорий қилинган.

Шу билан бирга, азофенол ва азофтаолларни пропаргил галогенидлар билан таъсирлашувидан моно- ва дипропаргилэфирлари ҳосил бўлиш механизмини ўрганиш, уларнинг физик-кимёвий хоссалари, таркиби ва тузилишининг ранг бериш хусусиятларига, металларни коррозиядан ингибирлаш самарасига ҳамда ўсимликларни ўсишини тезлаштиришга боғлиқлигини аниқлаш, импорт ўрнини босувчи, саноатда мақсадли фойдаланиш мумкин бўлган материаллар олиш технологиялари бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ОТ-А12-53 рақамли: «Кимё ва тўқимачилик соҳасида қўлланиладиган аллилазобирикмалар асосида бўёқ моддалар олишнинг янги самарали технологиясини ишлаб чиқиш» (2017-2018 й.) мавзусидаги амалий гранти доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** азофенол ва азофтаолларнинг моно-, дипропаргил эфирлари ишлаб чиқариш технологиясини яратишдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

азофенол ва азофтаолларнинг моно- ва дипропаргил эфирлари олишнинг мақбул шароитларини аниқлаш;

азофенол ва азофтаоллар билан пропаргил галогенидлар таъсирлашувидан моно- ва дипропаргил эфирлари ҳосил бўлиш механизмини ўрганиш;

азофенол ва азофтаоллар билан пропаргил галогенид реакциялари асосида азофенол ва азофтаолларнинг моно-, дипропаргил эфирларини олиш;

азофенол ва азофтаолларнинг моно-, дипропаргил эфирларининг элементоорганик бирикмалари, галогенли ҳосилаларини синтез қилиш;

синтез қилинган бирикмалар асосида ультрабинафша нур таъсирига чидамли, ёрқин ранглардаги бўёқлар, металллар коррозияланишида самарали ҳимояловчи ингибирлаш хусусиятлиларини аниқлаш ва уларни амалиётда қўллаш;

азофенол ва азофтаолларнинг моно-, дипропаргил эфирлари ишлаб чиқариш технологиясини яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида азофенол, азофтаол, пропаргил бромид, пропаргил хлорид, азофенол ва азофтаолларнинг моно- ва дипропаргил эфирлари асосида олинган ёрқин ранг берувчи бўёқлар, коррозия ингибиторлари, ўсимликларни ўсишини стимуловчи воситалар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** углерод ва кислород атомлари бўйича пропаргиллаш, элементоорганик бирикмалари, галогенли ҳосилаларининг физик-кимёвий хоссалари ва бўёқлар, коррозия ингибиторлари олишнинг технологик параметрлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация иши тадқиқотлари бўйича олинган моддаларнинг таркиби ва тузилиши замонавий спектроскопик усуллар (ИК- ва <sup>1</sup>H-ЯМР-), бирикмаларнинг квант кимёвий таҳлили (Hyper Chem 7.0 дастури), моддаларнинг софлиги (юпқа қатламли хроматография), математик моделлаштириш (Maple Soft 2018) ва бошқа физик-кимёвий усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

азофенол ва азофтаол: пропаргил галогенид: катализатор системасида ҳосил бўлувчи оралик алкоголят молекуласидаги ион боғлари узилиши билан беқарорлиги ортиб, нуклеофил бирикиш реакцияси осон бориши асосланган;

азофенол ва азофтаолларнинг пропаргил эфирлари юқори (88.6-93.1 %) унумларда ҳосил бўлиши, электронодонор эритувчиларнинг дастлабки компонентлар таркибидаги C-Hal боғнинг осон узилиши, ионланиш энергиясини ва реакция интенсивлигини ошириши билан исботланган;

ацетилен боғи, электронлар жуфти умумлашмаган кислород ва азогуруҳлари кетма-кет жойлашган, чизикли тузилишга эга азофенол 4,4'-дипропаргил диэфирининг металлларни коррозиядан ҳимоялашнинг самарали ингибитори эканлиги исботланиб, агрессив муҳит pH=2 - 5 бўлганда, 0,02 % концентрацияда ҳимоялаш даражаси 81,0 % ни ташкил этиши аниқланган;

азофенол ва азофтаолларнинг моно-, дипропаргил эфирларининг саноатда полимер материаллари учун турли хил иқлим шароитларида физик-механик

хоссалари ўзгармайдиган ёрқин ранглардаги (тўқ сарик, тўқ қизил ва яшил) бўёвчанлик хусусияти аниқланган;

азофенол ва азофтаолларнинг моно- ва дипропаргил эфирларини олиш технологияси яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагиларда ўз аксини топган:

азофенол ва азофтаол моно- ва дипропаргил эфирлари олишнинг мақбул шароитлари аниқланган;

металлар коррозияланишининг самарали ингибитори азофенол 4,4'-дипропаргил диэфири олиш технологияси ишлаб чиқилган;

ёрқин ранглардаги бўёвчанлик хусусиятли азофенол 2,2'-дипропаргил диэфири (яшил), 4-(фенил-азо)-резорцин 1,3-дипропаргил диэфири (тўқ сарик) ва азофенол 4,4'-дипропаргил диэфири (тўқ қизил) олиш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация тадқиқоти моддаларнинг таркиби ва тузилиши юққа қатламли хроматография, квант кимёвий РМЗ Hyper Chem 7.0 Chem Office (ММ2) ҳисоблаш, <sup>1</sup>Н-ЯМР, ИҚ-замонавий спектроскопик усуллари, Maple Soft 2018 операция муҳитларда математик моделларнинг аниқлиги ва кўрилатган соҳа бўйича баҳолаш мезонларининг адекватлилиги, ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари ва уларнинг реал ишлаб чиқариш маълумотлари билан қиёсий таҳлиллари орқали асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, илк бор атмосфера босимида азофенол ва азофтаолларнинг моно- ва дипропаргил эфирлари синтез қилиниб, юқори унум билан 1-(фенил-азо)-нафтаол-2 пропаргил эфири, 4-(фенил-азо)-резорцин 1,3-дипропаргил диэфири, 4,4'-дипропаргил диэфир азофеноллар ҳосил бўлишининг илмий асоси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ацетилен боғли ҳосилалардан 2,2'-дипропаргил диэфир азофенол ва 1-(фенил-азо)-нафтаол-2 пропаргил эфири (полимер материаллар учун ёрқин рангли бўёқ), 4,4'-дипропаргил диэфир азофенол (металл коррозиясига қарши ингибитор), 4-(фенил-азо)-резорцин 1,3-дипропаргил диэфири ва 4,4'-дипропаргил диэфир азофенол (ўсимликларни ўсиши учун стимуляторлар ва полимер материаллар учун ёрқин рангли бўёқ) олиш технологияларининг ишлаб чиқилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Азофенол ва азофтаолларнинг моно- ва дипропаргил эфирлари ишлаб чиқаришнинг самарали технологиясини яратиш бўйича олинган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

4,4'-дипропаргил диэфир азофенол асосида металл қурилмалари ва асбоб-ускуналарини коррозиядан ҳимоялаш ингибитори «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти шароитларида амалиётга жорий қилинган («Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг 2022 йил 24 январдаги 2301-01-01/126-сон маълумотномаси). Натижада рН=2 - 5 чегаралар-

даги кучли кислота муҳотида металлари коррозиядан ҳимояловчи ингибитордан фойдаланиш имконини берган;

азофенол ва аzoneфтоллари моно-, дипропаргил эфирлари полимерлар учун ёркин ранглар ҳосил қилувчи бўёқ моддалар Шўртангаз кимё мажмуасига қарашли «Қаршитермопласт» цехида амалиётга жорий этилган («O'zbekneftgaz» aksiyadorlik jamiyati 2021 йил 22 ноябрдаги 03-17-5/178-сонли маълумотномаси). Натижада об-ҳаво турли хил шароитларида физик-механик хоссалари ўзгармайдиган, ёркин рангдаги пластик қувурлар ишлаб чиқариш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари маъруза кўринишида 12 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, улардан 2 та республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, 116 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, ўтказилган тадқиқотларнинг ишончлилиги, апробация ва натижаларининг нашр қилиниши, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар баён этилган.





Диссертациянинг **«Азофенол ва аzoneфтоллари асосидаги кимёвий жараёнларнинг замонавий ҳолати, уларнинг хоссалари ва ва қўлланилиш соҳалари»** номли биринчи боби учта параграфдан иборат бўлиб, унда азофенол ва аzoneфтоллари асосидаги кимёвий жараёнлар, пропаргил галогенид иштирокидаги Вильямсон реакцияси асосида азофенол ва аzoneфтоллари моно-, дипропаргил эфирларини олиш усуллари, азофенол ва аzoneфтолларининг элементоорганик моно-, дипропаргил эфирларини олиш усуллари, хоссаларини ўрганишга бағишланган. Кўрилган адабий шарҳлар асосида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланган.

Диссертациянинг **«Дастлабки реагентларнинг физик-кимёвий хоссалари, маҳсулот олиш»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот учун танланган объектлар, моддаларнинг олиниш ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш усуллари келтирилган. Азофенол ва аzoneфтоллари моно-, дипропаргил эфирлари ҳамда уларнинг элементоорганик моно-, дипропаргил

эфирларини олиш жараёнлари келтирилган. Синтез қилинган моддаларнинг таркиби ва тузилишини аниқлашнинг физик-кимёвий усуллари баён этилган.

Диссертациянинг «Азофенол ва азофтаолларнинг моно-, дипропаргил эфирлари ва уларнинг элементоорганик бирикмаларини олиш усуллари ҳамда олинган натижалар таҳлили» деб номланган учинчи бобида азофенол ва азофтаолларни пропаргиллаш орқали уларнинг эфирларини олиш жараёни ҳамда уларнинг мис, кумуш, симоб, бром, йод, хлор элементоорганик моно-, дипропаргил эфир бирикмаларини олиниш шароитлари таҳлил қилинган. Шунингдек, жараён натижасида олинган бирикмаларнинг электрон кристалл тузилиши ва квант-кимёвий ҳисоблари келтирилган.

Дастлаб, азофенол ва азофтаоллар асосида уларнинг моно-, дипропаргил эфирлари синтез қилинган. 1-(фенил-азо)-нафтаол-2, 2,2'-азодифенол, 4-(фенил-азо)-резорцин, 4,4'-азодифеноллар ва пропаргил галогенид асосида 1-(фенил-азо)-нафтаол-2 пропаргил эфири (I), 2,2'-дипропаргил диэфир азофенол(II), 4-(фенил-азо)-резорцин 1,3-дипропаргил диэфири(III), 4,4'-дипропаргил диэфир азофеноллар(IV)нинг ҳосил бўлиш реакция схемаларини қуйидагича ифодалаш мумкин:



Реакциялар натижасида олинган азофенол ва азофтаолларнинг моно-, дипропаргил эфирларининг физик-кимёвий хоссалари 1-жадвалда келтирилган.

**Азофенол ва азонафтоллларнинг моно-, дипропаргил эфирлари (I-IV)нинг баъзи физик-кимёвий хоссалари**

№	Брутто-формуласи	R <sub>f</sub> (бензол: метанол - 5:1)	T <sub>суюқ</sub> , °C	Унум, %
<b>I</b>	C <sub>19</sub> H <sub>14</sub> N <sub>2</sub> O	0,64	124-125	91,6
<b>II</b>	C <sub>18</sub> H <sub>14</sub> N <sub>2</sub> O <sub>2</sub>	0,62	135-136	88,6
<b>III</b>	C <sub>18</sub> H <sub>14</sub> N <sub>2</sub> O <sub>2</sub>	0,60	165-166	91,3
<b>IV</b>	C <sub>18</sub> H <sub>14</sub> N <sub>2</sub> O <sub>2</sub>	0,61	195-196	93,1

Азофенол ва азонафтоллларнинг моно-, дипропаргил эфирларини синтез қилишнинг оптимал шароитларини белгилаш мақсадида, реакциянинг вақтга, ҳароратга ва ҳосил бўладиган мақсадли маҳсулотларнинг эритувчи ва катализаторлар табиатига боғлиқликлари ўрганилган ва тизимли равишда таҳлил этилган.


Азофенол ва азонафтоллларнинг моно-, дипропаргил эфирларини синтез қилиш жараёнида маҳсулот ҳосил бўлиши самарадорлигига катализатор табиати ва миқдори таъсири таҳлил қилинган. Жараёнда катализаторсиз бўлган муҳитга қараганда катализаторли шароитларда олиб борилганда реакцияга киришувчи моддалар учун калий карбонатнинг каталитик фаоллиги юқорилиги ва натижасида маҳсулот ҳосил бўлиши учун энг асосий омиллардан бири эканлиги кузатилган. Жараёнда катализаторнинг азофенол ва азонафтолллар билан таъсирлашиб алкоголятлар ҳосил қилиши ва уларнинг осонлик билан гидролизга учраб, юқори унумларда моно- ва дипропаргил эфирларига айланишида роли катта эканлиги тажрибалар орқали ўз исботини топган.

Ушбу реакция жараёнда фаол молекулалар сони ортиши билан азофенол ва азонафтолллар молекуласидаги ион боғлари осон узилиб, эркин катионлар ҳосил бўлади, натижада азофенол ва азонафтоллларнинг пропаргил бромид билан нуклеофил бирикиш реакцияси ҳам осон бора бошлади, азофенол ва азонафтолллар беқарорлиги ортиб, ИБМ (I-IV) бирикмалар юқори унум билан ҳосил бўлган.

Каталитик кимёвий реакцияларда маҳсулот унумини оширишда катализаторлар билан бир қаторда тўғри танланган эритувчилар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Экспериментал тадқиқотларга кўра, синтез қилинган 1-(фенил-азо)-нафтол-2 пропаргил эфири (I), 2,2'-дипропаргил диэфир азофенол(II), 4-(фенил-азо)-резорцин 1,3-дипропаргил диэфир(III), 4,4'-дипропаргил диэфир азофеноллар(IV) органик эритувчиларда (ацетон, ацетонитрил) яхши эриши аниқланган.


Азофенол ва азонафтоллларнинг моно-, дипропаргил эфирларининг юқори унум билан чиқишига эришиш мақсадида эритувчи табиатининг таъсирини аниқлаш учун электронодонор эритувчиларда синаб кўрилди. Бундан мақсад реакцияга киришадиган компонентларнинг ионланишини таъминлаш ва реакция интенсивлигининг самарадорлигини оширишдан иборат бўлиб, натижада моно- ва дипропаргил эфирларининг чиқишига эритувчи таркиби катта таъсир этиши тажрибада аниқланган.

Тадқиқот натижаларига асосан, 1-(фенил-азо)-нафтол-2, 2,2'-азодифенол, 4-(фенил-азо)-резорцин, 4,4'-азодифенолларни пропаргил галогенид билан алкиллаш (пропаргиллаш) реакциясида энг яхши эритувчи сифатида ацетон танланган (1-расм).



**1-расм. Азофенол ва азонафтолларнинг моно-, дипропаргил эфирларининг чиқиш унумига эритувчи табиатини боғлиқлиги графиги**

Олинган азофенол ва азонафтолларнинг моно-, дипропаргил эфирлари тузилиши ИҚ-, <sup>1</sup>H-ЯМР-спектрлари орқали тасдиқланди (2-жадвал ва 2,3-расмлар).



**2-расм. Азофенолнинг 2,2' - дипропаргил диэфирининг ИҚ-спектри**

Азофенолнинг 2,2' - дипропаргил диэфири (ИБМ-II) ИҚ-спектрида характеристик гуруҳлар учун мос бўлган тебранишлар қуйидагича изоҳланади. –C≡C– гуруҳи валент тебранишлари асосий ютилиш полосалари 2116,73-2228

см<sup>-1</sup>, ≡C–H гуруҳи 3246,80 см<sup>-1</sup>, –O–CH<sub>2</sub>– гуруҳи 1262,02-1219,26 см<sup>-1</sup>, –N=N– гуруҳи 1588,4 см<sup>-1</sup>, о-С<sub>6</sub>Н<sub>4</sub>-гуруҳи эса 753,05-724,78 см<sup>-1</sup> ютилиш чўққиларини берди. Деформацион тебранишларига хос чўққилар эса 4000 – 3300 см<sup>-1</sup> соҳада кузатилди.


## 2-жадвал

### Азофенол ва азнафтоларнинг моно-, дипропаргил эфирлари (I-IV)нинг ИҚ-спектрлари таҳлили (ν, см<sup>-1</sup>)

№	ν <sub>C≡C</sub>	ν <sub>≡C-H</sub>	ν –O–CH <sub>2</sub>	ν <sub>N=N</sub>			
I	2228,57	3278,55	1239,84	1597,82 - 1579,88	765,48-710,00		
II	2116,73-2228	3246,80	1262,02-1219,26	1588,4	753,05-724,78		
III	2266,69	3310-3312	1251,37	1590,16-1526,96	681,31	854,67	854,67-807,72
IV	2220	3310-3308	1237	1584-1558	860-800		

Азофенолнинг 2,2' - дипропаргил диэфири (ИБМ-II) <sup>1</sup>H-ЯМР спектри ((400 МГц, ДМСО-d<sub>6</sub>+CCl<sub>4</sub>, δ, м.у., J (Гц)): 2,97 (2 Н, с, –C≡CH), 4,93 (4 Н, с, –CH<sub>2</sub>–), 6,94\* (1 Н, дд, J=8.3, 1.1, Н-12), 7,00\*\* (1 Н, дт, J=7.5, 1.3, Н-11), 7,06\*\* (1 Н, дт, J=7.7, 1.1, Н-6), 7,28\* (1 Н, дд, J=8.4, 1.0, Н-5), 7,30\*\*\* (1 Н, дт, J=7.8, 1.7, Н-10), 7,47\*\*\* (1 Н, дт, J=7.9, 1.7, Н-7), 7,80\*\*\*\* (1 Н, дд, J=8.1, 1.5, Н-8), 7,84\*\*\*\* (1 Н, дд, J=7.9, 1.7, Н-9).

Ismailov Boburbek\_IBM-2\_1H\_DMSO-d6+CCl4\_18112021\_400 MHz



3-расм. Азофенолнинг 2,2' - дипропаргил диэфирининг <sup>1</sup>H-ЯМР-спектри


Дастлабки моддада Н-8 ва Н-9 ларга хос сигналлар 7,78 м.у. да биргаликда д.д. шаклда намоён бўлади. Лекин маҳсулотда улар 7,80 м.у.да ва 7,84 м.у. алоҳида д.д. шаклда намоён бўлди. Шу билан биргаликда қолган протонлар ҳам дастлабки моддада биргаликда сигнал ҳосил қилган бўлса, маҳсулотда уларни ажралишлари кузатилди.

Шунингдек, дастлабки модда билан реакция натижасида олинган моддани  $^1\text{H}$ -ЯМР спектрларида характеристик гуруҳлар учун мос бўлган сигналларни солиштирганимизда, бошланғич моддадаги 11,69 м.у. (2 Н, с,  $-\text{OH}$ ) синглет сигналининг ҳосил бўлган моддада йўқолиши ҳамда ҳосил бўлган моддада 2,97 (2 Н, с,  $-\text{C}\equiv\text{CH}$ ) ва 4,93 (4 Н, с,  $-\text{CH}_2-$ ) м.у. синглет сигналлар пайдо бўлиши билан фарқ қилади.


Олинган азофенол ва азонафтолларнинг моно-, дипропаргил эфирлари асосида уларнинг мис, кумуш ва симоб ацетиленидли ҳосилалари юқори унумларда, қисқа вақт ичида, хона ҳароратида осонлик билан галогенларга алмашилиш жараёни тадқиқ қилинган. Олинган бирикмалар асосида уларнинг мос равишдаги бром-, йод, хлор сақлаган пропаргил эфири ҳосилалари ҳосил қилинган.

Дастлабки синтез қилинган 1-(фенил-азо)-нафтол-2 пропаргил эфири ва азофенолнинг 2,2'- дипропаргил диэфири кристаллининг рентген тузилиши таҳлили (РТТ) усули ёрдамида олинган 3D кристалл тузилишлари 4,5-расмларда кўрсатилган.

Хозирги кунда квант-кимё усули ҳам жуда кенг миқёсда ривожланиб бормоқда. Маълумки, молекулаларнинг кимёвий хоссалари ва реакция қобилияти, асосан, уларнинг электрон структураси ва энергетик характеристикаларига боғлиқ бўлади.




4-расм. 1-(фенил-азо)-нафтол-2 пропаргил эфирининг 3 D кристалл тузилиши




5-расм. Азофенолнинг 2,2'- дипропаргил диэфирини 3D кристалл тузилиши

Шулардан келиб чиқиб, диссертация ишида азофенол ва азонафтолларнинг моно-, дипропаргил эфири ҳосилаларининг электрон тузилишлари аниқланиб, квант-кимёвий ҳисоблашлар ҳам олиб борилди.


Намуна сифатида 4-фенил-азо-резорцин 1,3-дипропаргил диэфир, азофенолнинг 4,4'-дипропаргил диэфири молекулаларининг квант кимёвий ҳисоблашлари Hyper Chem 7.0 дастури ёрдамида олинган фазовий геометрияси ва электрон тузилиши 6 (а, б) ва 7 (а,б)-расмларда кўрсатилган.




6(a)-расм. 4-фенил-азо-резорцин 1,3-дипропаргил диэфир молекуласидаги атомлар зарядларининг тақсимланиши



6(б)-расм. 4-фенил-азо-резорцин 1,3-дипропаргил диэфир молекуласида электрон зичликнинг тақсимланиши



7(a)-расм. Азофенолнинг 4,4'-дипропаргил диэфир молекуласида атомлар зарядларининг тақсимланиши



7(б)-расм. Азофенолнинг 4,4'-дипропаргил диэфири молекуласида электрон зичликнинг тақсимланиши

Диссертациянинг «Азофенол ва азнафтаолларнинг моно-, дипропаргил эфирларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи бобида азофенол ва азнафтаолларнинг моно-, дипропаргил эфирларини олиш жараёни математик моделлаштириш усулида жараён оптималлаштирилган ҳамда технологияси ишлаб чиқилган, техник-иқтисодий самарадорлиги ва металл қурилмалари коррозиясига қарши ингибиторлар сифатида ва ёрқин ранг берувчи бўёқлар сифатида қўлланилиш соҳаларидаги ўрганишлар бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар тўғрисида маълумотлар берилган.

*Азофенол ва азнафтаолларнинг моно-, дипропаргил эфири ҳосилаларини олишда пропаргиллаш жараёнини математик моделлаштириш.* Азофенол ва азнафтаолларни пропаргиллашда борадиган кимёвий жараёнларни математик моделлаштириш орқали олинган бирикмалар синтезида технологик параметрларни аниқлаш имконини беради.

Ишда азофенол ва азнафтаолларни пропаргил галогенид билан алкиллаш (пропаргиллаш) жараёнида олинган тажриба натижаларини математик моделлаштириш кам сонли квадратлар усулидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди.


Жараёни моделлаштириш икки босқичда олиб борилди:

1. Тажриба натижаларига кўра танланган боғлиқликнинг ташқи кўриниши аниқланди.

2.  $Y=f(x, a_1, a_2, \dots, a_k)$  функциясидаги боғлиқлик коэффиценти танланди ва ушбу боғлиқлик биринчи функциядаги  $a_i$  орқали чиқарилди.

Маҳсулот унуми ва реакция ўртача тезлиги асосида Maple-2018 дастури ёрдамида натижалар иконограммаси тузилди. Масалан, қуйида 2,2'-азодифенол ва пропаргил бромид асосида синтез қилинган азофенолнинг 2,2'-дипропаргил диэфири тажриба натижалари ва математик моделлаштириш орқали олинган иконограммалари 8 (а,б)-расмда берилган.

*Азофенол ва азнафтаолларнинг моно-, дипропаргил эфири ҳосилалари синтези натижаларини математик қайта ишлаш.* Тажриба натижалари Maple-2018 дастуридан фойдаланилган ҳолда математик қайта ишланди. Азофенол ва азнафтаолларни Вильямсон усулида алкиллаш жараёни 90 °С ҳароратда олиб борилганда ҳосил бўлган пропаргил эфирлари унумини математик қайта ишлаш натижаларини қуйида кўрсатилган тартибда изохлашимиз мумкин.




**8 (а)-расм. Азофенолнинг 2,2'-дипропаргил диэфири ҳосил бўлиш унумига реакция давомийлигининг таъсири тажриба натижаси иконограммаси**

Математик ҳисоблашлар, азофенол ва азофтаолларни пропаргиллаш реакцияси давомийлиги 6 соатда олиб борилганда, пропаргил эфирлар юқори унум билан синтез қилинишини инобатга олган ҳолда ўша қийматлар асосида олиб борилди.


Азофенол ва азофтаолларни Вильямсон усулида алкиллаш жараёнида ҳосил бўлган пропаргил эфирлар унуми натижаларини математик қайта ишлаш моделини яратиш маҳсулот унумини ҳароратга боғлиқлик тажриба натижалари қийматига асосланган.

Юқорида баён қилинган тадқиқотлар натижасида 2,2'-азодифенол ва галоидпропаргил асосида азофенолнинг 2,2'-дипропаргил диэфирини олишнинг принципиал технологик схемаси таклиф этилди (9-расм). 2,2'-азодифенол билан пропаргил бромид асосида азофенолнинг 2,2'-дипропаргил диэфирини ишлаб чиқаришни даврий ва узлуксиз усуллар билан амалга ошириш мумкин.

Керакли микдорда 2,2'-азодифенол, эритувчи (ацетон), галоидпропаргил, калий карбонат 7-иситиш ва совутиш мосламаси билан жиҳозланган аралаштиргичли реакторга солинади ва аралаштирилади. Реакция атмосфера босимида 90 °С ҳароратда 6 соат давомида доимий аралаштириш билан олиб борилади. Реакция тугайдан кейин муҳит 30 °С ҳолатга келтирилганида реакторга диэтилэфир эритувчиси солинади ва реакция аралашма таркибидаги ишлатилган катализатор 10-фильтр орқали ажратиб олинади ва қолган аралашма 11-ҳайдаш кубига йўналтирилади. Ушбу ҳайдаш кубига дастлаб ишлатилган диэтилэфир ҳайдаш натижасида 12-конденсатор орқали 13-сепараторга ўтказиб ажратиб олинади, кейинчалик қолган реакция массаси қурилмани пастки қисми орқали 15-фильтрдан ўтказилади ва ишлатилган ацетондан ажратиб олинади. 90°С ҳароратдаги чиқадиган буғ-газ аралашмалар 8-конденсатор совутгич орқали совутилади ва 9-сепараторга газ-суяқ фазага ажратиш учун йўналтирилади.



**8 (б)-расм. Азофенолнинг 2,2'-дипропаргил диэфири ҳосил бўлиш унумига реакция давомийлигининг таъсири математик моделлаштирилгандаги иконограммаси**



**9-расм. Азофенол ва азнафтоларнинг моно-, дипропаргил эфирларини олишнинг принципиал технологик схемаси:**

1-ацетон учун сиғим; 2- галоидпропаргил учун сиғим; 3- диэтилэфир учун сиғим; 4- 2,2'-азодифенол учун сиғим; 5- поташ учун сиғим; 6- дозаторлар; 7-реактор-аралаштиргич; 8,12-совутгичлар; 9,13-сепараторлар; 10,15- фильтрлар; 11-хайдаш кубини; 14-иситгич; 16- қуритгич; 17- майдалагич.


Технологик жараёндаги ишлатилган эритувчи ва катализатордан тозаланган реакция массаси 16-қуритгичдан ўтказилиб, 17-майдалагичга йўналтирилади ва олинган тайёр маҳсулот кадоқлашга жўнатилади.

Маҳсулот олинишида юқори унумларда кристалл кукун сифатида ҳосил бўлади.

*Азофенол ва азнафтоларнинг моно-, дипропаргил эфирларининг металл қурилмалари коррозиясига қарши ингибиторлар сифатида қўлланилиши.* Азофенол ва азнафтоларнинг моно-, дипропаргил эфирларини металл коррозиясига ингибитор концентрациясининг, рН муҳитининг, экспозиция давомийлиги ҳамда температурасига таъсири тадқиқ қилинди. Кислотали муҳитнинг оширилиши билан коррозия тезлиги ошиб, химояланиш даражаси пасаяди. Масалан, рН=5 тенг бўлган муҳитда ИБМ-I ингибиторининг 0,02 масс. % қийматида коррозия тезлиги 1,14 г/м<sup>2</sup>с, химояланиш даражаси 62,4 %, концентрацияси 0,1 масс.% га оширилганда эса коррозия тезлиги 0,78 г/м<sup>2</sup>с, химояланиш даражаси 68,9 % бўлиши аниқланди. Муҳитнинг кислоталигини оширганимизда рН=2 бўлганда коррозия тезлиги 1,35 г/м<sup>2</sup>с, химояланиш даражаси 56,7 % ни ташкил этди. Кейинги ҳолатда 0,02 масс.% ИБМ- IV ингибитори иштирокида рН=2 муҳит бўлганда коррозия тезлиги 0,95 г/м<sup>2</sup>с, химояланиш даражаси 79,7 % қийматига эга бўлиши маълум бўлди, рН=5 бўлган муҳитда коррозия тезлиги 0,62 г/м<sup>2</sup>с, химояланиш даражаси эса 81%ни ташкил этди.

Бундан ташқари коррозия тезлигига ва химояланиш даражасига температуранинг таъсири ҳам тадқиқ қилинди. Бунда температура ошиши билан коррозия тезлиги ошиб, химояланиш даражаси пасайиши аниқланди.

Ст.3 маркали пўлат юзасида ингибитор самарадорлигини ўрганиш учун электрон микроскопда натижалар таҳлил қилинди. Ўрганиш натижалари 10-расмда келтирилган. Электрон микроскопда намуналарнинг юзасини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ингибитор (б) намуна юзасини хлорид кислота таъсиридан ҳимоя қилган, аммо намуна юзасидаги алоҳида кенгликлар кислота (а) таъсирига учраган бўлиб, бу кенгликларда коррозия натижаларини кўриш мумкин.



**10-расм. Уч маркали пўлатнинг электрон микроскоп ёрдамида кўриниши.**

4,4'-дипропаргил диэфир азофенол ингибитори 0,02 масс.%, HCl pH=2:

а) ингибиторсиз; б) ингибиторли

Синов натижалари асосида ўрганилган препаратлар орасидан металллар коррозиясида фаол ингибиторларнинг антикоррозион хусусиятга эга энг самаралиси 4,4'-дипропаргил диэфир азофенол бўлиб чиқди. Металлларнинг коррозия тезлиги билан ингибиторнинг концентрацияси ва структураси орасидаги боғлиқлик аниқланди. Ингибиторнинг миқдорининг оширилиши билан металлларнинг коррозия тезлиги пасайиб боради, ҳимояланиш даражаси эса ортади.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, турли хил муҳитда ингибитор миқдорини ортиши металлларни коррозиясининг бир неча марта пасайишига олиб келди ва натижалар амалиётга жорий этилди.

*Азофенол ва азонифтоларнинг моно-, дипропаргил эфирларининг бўёқ сифатида қўлланилиши.* Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилоятидаги Шўртан газ-кимё мажмуасига қарашли «Қаршитермопласт» цехида ишлаб чиқариладиган полиэтилен учун синтез қилинган бирикмалар ишлаб чиқариш жараёнида юқори зичликдаги полиэтилен таркибида текшириб кўрилди ва диаметри 32 мм бўлган полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш технологик линиясида синовдан ўтказилди. Тажриба синов натижаларида олинган маҳсулотлар ранги тўқ қизил, тўқ сариқ (оранж) ва яшил рангга айланди. Ўтказилган синовлар натижасида шу нарса аён бўлдики, таклиф қилинаётган янги бўёқ моддалари - 2,2'-дипропаргил диэфир азофенол, 4-(фенил-азо)-резорцин 1,3-дипропаргил диэфирлари, 4,4'-дипропаргил диэфир азофенол бўёқлари юқори ҳароратга нисбатан анча чидамли бўлиб чиқди ва натижада олинган рангли маҳсулотлар шаффоф ҳолда намоён бўлди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон маҳсулотини ишлаб чиқаришда кутилаётган иқтисодий самара йилига транспорт харажатларининг иқтисодини ҳисобга олмаган ҳолда 1866939920 сўмни ташкил этди.

Умуман, олинган маҳсулотнинг сифати яхши ҳолатда бўлиб, унинг физик-механик хоссалари ҳам ўзгармади, ранг пластик қувурнинг бутун ҳажми бўйича бир хилда бўялди ва ушбу олинган азофенол ва азофтаолларнинг моно-, дипропаргил эфирлари турли хил иқлим шароитидаги таъсирларга, хусусан намликка ва қуёш нурига чидамли, ёрқин ранг ҳосил қилиш хусусиятлари аниқланиб, полимер саноатида бўёқ сифатида ишлатишга тавсия этилган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Азофенол ва азофтаоллар билан пропаргил галогенид реакциялари асосида мос равишдаги азофенол ва азофтаолларнинг моно-, дипропаргил эфирлари олинди, бунда реакцияга киришаётган азофенол ва азофтаоллар билан пропаргил галогенидлар ўзаро таъсирлашуви орқали олиш усули тавсия этилди.

2. Азофенол ва азофтаолларнинг моно-, дипропаргил эфирларини юқори унумларда ҳосил бўлиши жараёнларга таъсир этувчи асосий омилларга (ҳарорат, вақт, катализатор ва эритувчиларнинг табиати) боғлиқлиги аниқланди.

3. Олинган азофенол ва азофтаолларнинг моно-, дипропаргил эфирлари асосида уларнинг мис, кумуш ва симоб металлорганик бирикмалари юқори унумларда, қисқа вақт ичида, хона ҳароратида ҳосил бўлиши ҳамда осонлик билан галогенларга алмашиниш усули тадқиқ қилинди. Олинган бирикмалар асосида уларнинг мос равишдаги бром-, йод-, хлорорганик атоми сақлаган пропаргил эфири ҳосилалари ҳосил қилинди.

4. Азофенол ва азофтаолларнинг моно-, дипропаргил эфирларининг таркиби, тозаллиги ва тузилиши замонавий физик-кимёвий тадқиқот усуллари билан исботланди. Бошланғич ва синтез қилинган моддаларнинг электрон кристалл тузилиши ва квант-кимёвий ҳисоблашлари амалга оширилди. Атом зарядларининг тақсимланишига кўра, манфий зарядларнинг кислород атомида юқори бўлиши ва у реакцион марказ эканлиги кўрсатилди. Шунингдек, математик моделлаштириш усули Maple Soft 2018 дастури ёрдамида азофенол ва азофтаолларнинг моно-, дипропаргил эфирларини оптимал олиш шароитлари кўрсатилди.

5. Азофенол ва азофтаолларнинг моно-, дипропаргил эфирларини оддий ва содда усул орқали энергия сарфи тежамкорлик йўли билан олиш жараёнининг принципиал технологик схемаси тавсия этилди.

6. Синтез қилинган бирикмалар орасидан 4,4'-дипропаргил диэфир азофенол металлларнинг коррозияланишига қарши юқори самарадор эканлиги аниқланди ва ингибитор сифатида қўллаш учун тавсия этилди. Шунингдек, олинган азофенол ва азофтаолларнинг моно-, дипропаргил эфирлари орасидан турли хил иқлим шароитларида физик-механик хоссалари ўзгармайдиган, ёрқин ранг ҳосил қилиш хусусиятлари аниқланиб, 2,2'-дипропаргил диэфир азофенол, 4-(фенил-азо)-резорцин 1,3-дипропаргил диэфери, 4,4'-дипропаргил диэфир азофеноллар полимерлар саноатида бўёқ сифатида қўллаш учун тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО–ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**  

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**ИСМАИЛОВ БОБУРБЕК МАХМУДЖАНОВИЧ**

**ТЕХНОЛОГИЯ ПОЛУЧЕНИЯ МОНО-, ДИПРОПАРГИЛОВЫХ ЭФИРОВ  
АЗОФЕНОЛА И АЗОНАФТОЛА**

**02.00.14. - Технология органических веществ и материалов на их основе**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент - 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.4.PhD/T1709.**

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу [www.tkti.uz](http://www.tkti.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNET» по адресу [www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz).

**Научный руководитель:**

**Махсумов Абдухамид Гафурович**  
доктор химических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Тешабаева Элмира Убайдуллаевна**  
доктор технических наук, профессор

**Абдушукуров Анвар Кабирович**  
доктор химических наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Ташкентский государственный технический университет**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 г. в «\_\_\_» часов на заседании Ученого совета № DSc.03/30.12.2019.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: 100011, г. Ташкент, Шайхонтохурский р-н, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20), факс: (99871) 2447917, e-mail: [tkti\\_info@edu.uz](mailto:tkti_info@edu.uz). Административное здание Ташкентского химико-технологического института, 2-этаж, конференц-зал.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института (зарегистрирована за № 287). Адрес: 100011, г. Ташкент Шайхонтохурский р-н, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года.

(протокол реестра рассылки № \_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 г.).

**Туробжонов С.М.**

Председатель научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
д.т.н., профессор

**Кадиров Х.И.**

Учёный секретарь научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

**Рахмонбердиев Г.**

Председатель научного семинара  
при научном совете по присуждению  
учёных степеней, д.х.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время одним из актуальных вопросов в современном мире является азосодержащие производные ацетилена и ароматические соединения, которые широко используются в производстве различных продуктов нефтегазовой, химической, сельскохозяйственной, медицинской и фармацевтической промышленности. При этом особое внимание уделяется созданию технологии получения полимерных материалов, красителей и ингибиторов коррозии, методами алкилирования, арилирования и ацилирования азофенола и азофтаола, их физико-механическим свойствам, которых не изменяются в различных климатических условиях и устойчивы к ультрафиолетовому излучению.

В мире ведутся углубленные исследования, направленные на применение энергосберегающих технологий получения соединений нового поколения на основе пропаргилового спирта и его эфиров, азофенола, азофтаола и его производных. В связи с этим особое внимание уделяется синтезу ярких красителей для полимерных материалов за счет введения реакционноспособных функциональных групп в азофенольные и азофтаоловые кольца, созданию безвредных быстрорастворимых стимуляторов роста растений, разработке и получению ингибиторов коррозии защиты технологических устройств.

В республике за последние годы достигнуты определенные результаты благодаря проводимым масштабным мероприятиям по модернизации химической промышленности, расширению ассортимента конкурентоспособной продукции, созданию новых запасов сырья, разработке технологий производства импортозамещающей продукции. Стратегия развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы включает такие важные цели как «Широкое внедрение инноваций в экономику, развитие кооперационных связей промышленных предприятий и научных учреждений»<sup>2</sup>. В связи с этим особое значение приобретает создание технологии получения красок ярких цветов, устойчивых к воздействию солнечных лучей, умеренным климатическим условиям, и эффективных антикоррозионных препаратов на основе моно- и дипропаргилового эфиров, получаемых реакцией пропаргилирования азофенола и азофтаола.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года №УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы», Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 25 октября 2018 года № ПП-3983 «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан», от 3 апреля 2019 года № ПП-4265 «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности» и Распоряжению Президента Республики Узбекистан от 6 апреля 2017 года № Р-

---

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

4891 «О критическом анализе объема и структуры импорта товаров (работ, услуг), углублению локализации производства импортозамещающей продукции», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии в республике.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII- «Химические технологии и нанотехнологии».

**Степень изученности проблемы.** Научно-исследовательские работы по исследованию механизмов алкилирования, ацилирования, арилирования азофенола и азофтаола и разработке энерго- и ресурсосберегающих технологий получения реакционно-активных производных велись учёными Møller P., Wallin H, Dipak K. M., Mitra D., Germana M.S., Ramesh B.R., Einaga Y., Sato O., Zheng T., Wang S., Ardeleanu R., Hurduc N., Batool T., Nasim F.H., Brandão G.C., Braga de Oliveira A., Catanzaro E., Ferreira G. R, Bouroumane N., Kassem M. A., Giuseppe G., Soldatenko A. S., Sterkhova I. V., Lazareva N. F., Wang J., Kirby J.R., Milburn R.M., Saylor J.H., М.Ф.Шостаковский, А.С.Атавин, А.М.Сладков, А.Е.Фаворский, Б.А.Трофимов, А.Г.Махсумов, И.Р.Асқаров, Н.Мадихонов, И.А.Абдугафуров, С.М. Турабджанов, А. Икрамов, Б.Ф. Мухиддинов, С.Э. Нурмонов, О.Э.Зиядуллаев, Д.Х.Мирхамитова и др.

